



**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

2022 йил 27 сентябрь Сирдарё тумани 4-1202-2202/1469-сонли иш

Сирдарё туманлараро иқтисодий суди, судья А.Кудратов раислигида, Қ.Махаммаджонов котиблигида, А нинг, Ж ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини Сирдарё туман Давлат солиқ инспекцияси биносида ўтказилган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

а н и қ л а д и :

А (кейинчалик матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, Ж (кейинчалик матнда “жавобгар” деб юритилади) томонидан 2022 йил учун ягона ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботини жорий йилнинг 9 сентябр кунига қадар солиқ органига тақдим этмаганлиги сабабли, жавобгарнинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд муҳокамаси вақти ва жойи тўғрисида белгиланган тартибда хабардор қилинган даъвогар вакили суд муҳокамасига келмади, бундай ҳолатда суд ишни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига кўра даъвогар вакили иштирокисиз мавжуд ҳужжатлар асосида кўришни лозим топади.

Суд, аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантиришдан рад этишни лозим топади.

Иқтисодий Процессуал кодексининг 215-моддасига кўра, иқтисодий судлар банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш билан боғлиқ ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш ваколатига эга.

Солиқ кодексининг 111-моддасига кўра, Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шахсий кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича



операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказётган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисоб варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида. Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, жавобгар ягона ер солиғи тўловчи бўлмаса-да, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилинган ва бу ҳақда жавобгарга электрон хабарнома юборилган.

Амалдаги Солиқ кодексининг 17-моддасида солиқлар ва йиғимларнинг турлари қайд этилган бўлиб, унда эски таҳрирдаги Солиқ кодексидagi ягона ер солиғи чиқариб ташланган ва янги Солиқ кодексидa ягона ер солиғи мавжудлиги ва уни тўловчилар кимлар бўлиши ҳақида маълумотлар мавжуд эмас. Бундан кўринадики, ягона ер солиғи янги Солиқ кодексининг 2020 йил 1 январдан эътиборан кучга кириши билан бекор қилинган.

Юқоридагиларга асосан аризачининг жавобгар томонидан 2022 йил учун ягона ер солиғи бўйича солиқ ҳисоботини муддатида тақдим этмаганлиги учун банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туриш тўғрисидаги даъво талабини қаноатлантиришдан рад этиш лозим бўлади.

Қайд этилганларга кўра суд, ариза талабини қаноатлантиришни, мазкур тоифадаги ишлар бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикасининг 06.01.2020 йилда қабул қилинган 600-сонли “Давлат божи тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддасига асосан давлат божи тўловидан озод этилганлигини инобатга олиб, давлат божини ундирувсиз қолдиришни лозим топади.

Юқорида баён этилган кўра суд, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 115-122, 195, 197, 215, 220 -моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р к и л д и:



А нинг Ж нинг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси қаноатлантиришдан рад этилсин. Ҳал қилув қароридан норози томонлар 10 кун ичида Сирдарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят (прокурор протест) келтириши мумкин.

Судья

У.Курбанов

